


II. НАРХЛАР


2018 йилнинг 9 ойида истеъмол товарлари ва хизматлар нархлари индекси ўртача 8,1 % га ошди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида истеъмол нархлари индекси, %




Истеъмол нархлари индекси 2018 йилнинг сентябрь ойида 2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан 108,1 %, жумладан, товарлар 107,4 % ва хизматлар 110,1 % ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида товар ва хизматларнинг истеъмол нархлари индекси, %




Асосий гуруҳлар бўйича нарх ўзгаришларини ўрганиш шуни кўрсатдики, хизматлар ва ноозиқ-овқат товарлари 2018 йилнинг 9 ойи давомида озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан ошган. Шу даврда озиқ-овқат маҳсулотлари 6,0 % га, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 9,1 % га хизматлар 10,1 % га кўтарилди.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида асосий гуруҳлар бўйича истеъмол нархлари индекси
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)



Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва пуллик хизматлар учун 2017 йил декабрига нисбатан истеъмол нархлари индексининг динамикаси барқарор ўсиш тенденцияси билан ажралиб туради, озиқ-овқат маҳсулотлари эса июнь ва июль ойларида нархларнинг пасайиши билан тавсифланади, бу қуйидаги диаграммада кўрсатилган:

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида асосий гуруҳлар бўйича истеъмол нархлари индекси
(ўтган ойга нисбатан, %)



2018 йилга келиб ҳар ойда нарх ўзгаришининг таъсири таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, январь ва сентябрь ойларида инфляцион босим асосан озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши билан боғлиқ бўлган.


Апрель ва май ойларида, маъмурий тартибга солинадиган тарифларнинг ўсиши ҳисобига хизматларнинг таъсири юқори бўлди.

Июнь ва июль ойларида истеъмол бозорининг янги етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўйинганлиги, шунингдек, парранда гўшти ва тухумларнинг арзонлашганлиги нафақат озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индексининг пасайишига, балки умумий истеъмол нархлари индексига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Август ойида асосий гуруҳлардаги нархлар ўзгариши таъсири уларнинг тенг тақсимланиши билан тавсифланди.


Йиғма истеъмол нархлари индексининг ойга нисбатан гуруҳлар томонидан нархларнинг ўзгаришига таъсири динамикаси қуйида келтирилган:

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида асосий турдаги товарлар гуруҳининг нархлари ўзгариши динамикаси ва уларнинг умумий ИНИ ўсишидаги таъсири
(ўтган ойга нисбатан, ф.д.)




Умумий истеъмол нархлари индексида 2017 йил декабрига нисбатан асосий гуруҳлар томонидан нархларнинг ўзгаришига таъсири динамикаси ноозик-овқат товарлари нархларидаги ўсиш ва хизматлар учун тарифларнинг ошиш тенденцияси кузатилди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида асосий турдаги товарлар гуруҳининг нархлари ўзгариши динамикаси ва уларнинг умумий ИНИ ўсишидаги таъсири
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)



Умуман олганда 2018 йил январь-сентябрь ойларида йирик гуруҳлар кесимида нархларнинг ўзгариши тенденциясида инфляция босими товарларда 71,6 % ни хизматлар учун тарифларда эса 28,4 % ни ташкил этди.


2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида асосий турдаги товарлар ва хизматлар гуруҳи нархлари ўзгаришининг умумий ИНИ га таъсири улуши, %



Озик-овқат маҳсулотлари нархларининг ўртача ойлик ўсиш суръати 0,7 % ни ташкил этди.


2018 йилнинг III чорагида озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий гуруҳлар бўйича энг юқори даражадаги ўсиш нон маҳсулотларида (сентябрда 10,9 %) кузатилди, бу борада энг паст даражадаги пасайиш мева ва сабзавотларида (июлда 15,2 %) қайт этилди.

2018 йилнинг учинчи чорагида асосий гуруҳлар бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўзгариши
(ўтган ойга нисбатан, %)



2017 йил декабрига нисбатан нон, гўшт ва сут маҳсулотларининг нархлари юқори даражада кўтарилди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун асосий гуруҳлар бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)




Нон маҳсулотлари нархларининг кўтарилиши асосан нон, гуруч ва ун маҳсулотлари нархларининг ошиши билан боғлиқ бўлган.

Вазирлар Мақамасининг 2018 йил 13 сентябрдаги “Мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиши асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 731-сон Қарори асосида 1-навли уннинг улгуржисавдо нархи (1400 сўм) оширилиши билан бир қаторда аҳоли учун ноннинг эркин бозор нархи бўйича сотиш тартиби белгилаб ўтилди.

Умумий ҳисобда, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида 1-навли ундан тайёрланган нон нархи ўртача 64,0 %, олий навли ундан 47,2 % ва 1-навли ун (жумладан импорт унлар) нархлари 10,5 % га қимматлашди. Гуруч бу даврда 44,8 % га ошди.

1-навли ундан олинган ноннинг нархи охириги марта 2014 йилнинг сентябрь ойида кўтарилган бўлиб, бу даврда қолипчи ноннинг нархи 600 сўмдан 650 сўмга ошган ва нархлар ўсиши 8,3 % ни ташкил қилган.


2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича ун ва гуручнинг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %



Гўшт ва балиқ маҳсулотларидан мол гўшти (суяксиздан ташқари) 22,9 %, қўй гўшти 21,8 %, гўшт қиймаси 14,9 %, суяксиз мол гўшти 13,4 % га ошди. Тирик ва совутилган балиқ 31,4 % га қимматлашган.


Мол гўшти ва қўй гўштининг ойлик нархлари ўзгариши таҳлилига кўра нархларнинг юқори даражада ўсиши жорий йилнинг июнь ойида кузатилган, бу даврда қўй гўштининг ойлик ўртача нархи 6,4 %, мол гўшти (суяксиздан ташқари) 6,0 %, суяксиз мол гўшти 3,6 % га ошган.

2018 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича мол гўшти, қўй гўшти ва парранда гўштининг истеъмол нархлари индекси динамикаси (ўтган ойга нисбатан, %)



Шу билан бирга истеъмол бозорининг парранда гўшти ва тухум маҳсулотлари билан тўйинганлиги ҳисобига, ушбу турдаги маҳсулотлар нархларининг пасайишига олиб келди. Жорий йилнинг 9 ойида парранда гўшти (сонлардан ташқари) 6,7 %, товуқ болдири, сон қисимлари 2,3 %, тухум 20,9 % га арзонлашди. Шуниси эътиборга лойиқки, нархлар ўтган йилнинг охирига нисбатан пасайган бўлсада, август ва сентябрь ойларида парранда гўшти ва тухум маҳсулотлари нархи яна кўтарилди.


**2018 йил январь-сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича
тухумнинг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %**



Сут маҳсулотлари орасида сузма йил бошидан 16,2 %, музқаймоқ 10,2 %, творог 7,8 %, сут ва қаймоқ нархлари ўртача 7,5 % га қимматлашди.


2018 йилнинг 9 оyi давомида мева ва сабзавот нархлари январь ойидан апрель ойигача қимматлашган бўлса, май ойидан августгача аксинча арзонлашиб, жорий йилнинг сентябрь ойида ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархлари кўтарилганлигини навбатдаги диаграмма шаклида кўришимиз мумкин:

**2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича
мева-сабзавот маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси динамикаси
(ўтган ойга нисбатан, %)**




Мева ва сабзавот маҳсулотларидан сабзи (1,8 марта), карам (63,7 %), лавлаги (33,5 %), ковоқ (30,4 %), цитрус мевалар (28,2 %), куруқ мевалар (20,5 %) нархлари сезиларли даражада кўтарилди. Шу билан бир қаторда, бодринг нархи 77,2 %, помидор 54,5 %, картошка 44,2 %, узум 35,8 %, пиёз 36,8 % ва саримсоқ пиёзнинг нархи ўртача 32,9 % га пасайганлиги кузатилди.

**2018 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси
бўйича пиёз ва сабзининг истеъмол нархлари индекси**
(ўтган ойга нисбатан, %)



**2018 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси
бўйича карам ва помидорнинг истеъмол нархлари индекси**
(ўтган ойга нисбатан, %)



Бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳи орасидан ўтган 9 ой давомида спиртли ичимликларнинг ўртача нархлари 12,6 % га қимматлашганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сон Қарорига асосан 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб Республикада ишлаб чиқарилаётган спиртли ичимликларга акциз солиғи ставкалари оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 27 декабрдаги “Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотииш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида”ги қарорига асосан шароб, ароқ ва коньяк учун улгуржи ва чакана нархлари кучга кирди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 5 март кундаги “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3583-сон Қарорига асосан 2018 йилнинг 1 июнидан бошлаб пиво ва ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган кўшимча тўловлар жорий этилди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида НООЗИҚ-ОВҚАТ маҳсулотларининг ўртача ойлик ўсиш суръати 1,0 % ни ташкил этди.

Жорий йилнинг III - чораги давомида автомобиллар учун ёқилғи (июль ойида 3,3 %), шахсий транспорт (август ойида 5,7 %) ва тамаки маҳсулотлари (сентябрь ойида 6,0 %) нархлари сезиларли даражада қимматлашди.

2018 йилнинг III-чорагида асосий турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотлар гуруҳи нархлари индекси

(ўтган ойга нисбатан, %)



Жорий йилнинг 9 ойи давомида ноозиқ-овқат маҳсулотларидан истеъмол нархлари индекси ўсишига таъсир даражаси қурилиш материаллари, маиший ёқилғи (кўмир), кийим-кечак ва автомобиллар учун ёқилғи маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида асосий турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларининг истеъмол нархлари ўзгариши


(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)

<i>Гуруҳлар номи</i>	<i>Нарх индекси</i>
Кийим-кечак	107,0
Оёқ кийим	106,6
Қурилиш материаллари	118,4
Мебель	104,8
Гилям ва гилям маҳсулотлари	104,9
Маиший тўқимачилик маҳсулотлари	107,3
Ювиш ва тозалаш воситалари	103,2
Дори-дармонлар	102,7
Шахсий транспорт	106,7
Автомобиллар учун ёқилғи	113,8
Китоблар, газеталар ва журналлар	116,0
Шахсий гигиена маҳсулотлари	105,3
Тамаки маҳсулотлари	122,1

Қурилиш материаллари нархларининг кўтарилиши асосан истеъмолчилар томонидан ушбу маҳсулотларга бўлган талабнинг ортиши ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувлар ҳаражатларининг кўпайиши билан боғлиқдир. Йил бошидан ғишт маҳсулотининг истеъмол нархлари ўртача 48,4 %, цемент 24,7 %, шпатлёвка 16,5 %, гулқоғоз 16,3 %, шифер 14,3 %, ёғоч маҳсулотлари 9,4 % ва бўёқлар 8,2 % га қимматлашган.

2018 йилнинг 1 январидан эътиборан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги “Табиий газ ва электр энергияси етказиб бериш ва реализация қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 1025-сон Қарори асосида алоҳида турдаги (гишт, цемент, гипс, ва бошқалар) қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилари учун фойдаланиладиган табиий газ ҳамда электроэнергия нархларининг оширилган коэффициент тарифлари жорий этилди.


2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича алоҳида турдаги қурилиш материалларининг истеъмол нархлари индекси динамикаси (ўтган ойга нисбатан, %)



Автомобиллар учун газ ёқилғиси нархлари даражасидаги ўзгаришлар ёқилғи мойлаш маҳсулотлари (ЁММ) бозоридаги вазият ва биржа нархларидаги тебранишлар, шунингдек, табиий газ учун тўловларнинг оширилиши натижасида содир бўлди. Йил бошидан пропан 48,8 % га, метан нархи 24,1 % га қимматлашди.

Жорий йилнинг 9 оyi мобайнида пропан нархининг энг юқори даражада қимматлашганлиги июнь ойида қайд этилган бўлиб (1,6 баробар), аксинча максимал даражада арзонлашиши апрель ойида (18,7 %) рўйхатга олинган. Метан нархи январь (11,2 %) ва апрель ойларида (8,4 %) сезиларли даражада қимматлашди.

**2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси
бўйича автомобиллар учун газ ёқилгиларининг истеъмол нархлари индекси
динамикаси (ўтган ойга нисбатан, %)**



Аҳолининг маиший эҳтиёжлари мақсадларида ишлатиладиган кўмир нархлари йил бошига нисбатан ўртача 1,7 баробарга қимматлашди.

2018 йилнинг 1 июлидан эътиборан келишув баённомаси асосида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ «Темирйўл ёқилгилари» бошқармасининг кўмир омборхоналари орқали бюджет ташиқотлар ҳамда аҳолига чакана нархларда сотилувчи кўмирнинг янги нархлари амалиётга жорий қилинди. Ой давомида нархлар ўртача 74,3 % га ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3583-сон қарорига асосан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган қўшимча тўловларнинг жорий қилиниши натижасида “UzBAT A.O.” ҚК АЖ ишлаб чиқараётган маҳсулотларига нисбатан янги акциз солиқ қийматларининг жорий этилиши натижасида истеъмол бозорларида сотилаётган тамаки маҳсулотлари умумий нархлари даражаси ўртача 22,1 % га қимматлашди. Январь ойидан тамаки маҳсулоти нархлари 8,8 %, май ойида 5,9 % ва сентябрда ўртача 6,0 % га ошди.

Жорий йилнинг август ойида “ДжиЭМ Узбекистан” АЖ ишлаб чиқараётган автомобилларнинг чакана нархлари ўртача 7,7 % га қимматлашди.

Маҳаллий ишлаб чиқарилувчи автомобиллар нархи охириги мартаба 2017 йилнинг май ойида оширилган бўлиб, ўша вақтда ойлик ўртача ўсиш суръати 39,1 % ни ташкил этган. Июль ва август ойларида автомобиль нархлари АҚШ долларининг расмий қиймати ўзгариши асосида индексация қилинган

2017 йилнинг 5-сентябридан бошлаб эса корхонанинг нархлар сиёсатига ўзгартириш киритилди ва ушбу ўзгаришга асосан автомобиль нархлари белгиланишида АҚШ доллари курси қиймати нисбатан боғлиқлик бекор қилинди.

2018 йилнинг январь ойида босма нашриёт маҳсулотлари нархларининг сезиларли даражада қимматлашиши (ой давомида ўртача 13,9 %), республикада чоп этилувчи рўзнома, журнал ва китоблар нархларининг ошиши билан боғлиқдир.

Йил бошидан аҳоли учун пуллик хизматлар нархлари индекси даражаси 10,1 % ни, ойлик ўртача ўсиш суръати эса 1,1 % ни ташкил қилган.

Аҳоли учун алоҳида турдаги пуллик хизматлар тарифлари индекси, %


	ўтган ойга нисбатан			2018 йил сентябрь 2017 йил декабрь ойига нисбатан
	июль	август	сентябрь	
Маиший турдаги хизматлар	100,7	100,3	100,6	108,1
Уй-жой коммунал хизматлари	100,1	101,0	100,0	113,8
Йўловчи транспорти хизматлари	100,5	99,8	100,9	109,1
Маданият муассасалари хизматлари	100,0	100,1	100,3	101,5
Мактабгача таълим муассасалари хизматлари	100,0	98,5	100,0	106,4
Спорт хизматлари	103,2	105,0	100,0	112,8
Дам олиш хизматлари	100,6	100,4	100,2	118,2

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида коммунал соҳада нарх тарифлари тартибга солинувчи хизматлар (ўртача 13,8 %), йўловчи ташиш транспортидаги йўл ҳақининг ошиши (9,1 %), дам олиш хизматлари (18,2 %), тил ўргатиш ва ҳайдовчиликка ўқитиш курсларини ҳисобга олган ҳолда таълим хизматлари (15,7 %) ҳамда маиший турдаги хизматларнинг (8,1 %) қимматлашиши таъсирида хизматларнинг умумий истеъмол нархлари индекси шаклланди.

Уй-жой коммунал хизматлари соҳасидаги тарифлар нархи жорий йилнинг апрель ва май ойлари давомида сезиларли даражада кўтарилди. Ўтган 9 ой мобайнида ХУЖМШга аъзолик тўловлари ўртача 26,7 %, совуқ сув таъминоти ва канализация учун тўловлар 24,3 %, иссиқлик таъминоти 13,9 %, иссиқ сув таъминоти 12,6 %, электроэнергия 11,9 %, маиший чиқинди учун тўловлар 10,6 %, тармоқ газ 10,0 % ва суюлтирилган газ нархи ўртача 63,7 % га қимматлашди.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 декабрдаги “Аҳолига кундалик ҳаётда истеъмол қилиш учун сотиладиган суюлтирилган газнинг республика бўйича ягона чакана нархини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисида”ги 1033-сон қарорига асосан, 2018 йилнинг 1 августидан бошлаб республиканинг барча ҳудудлари бўйича 1 килограмм суюлтирилган газнинг сотиш нархи 800 сўм этиб белгиланди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича уй-жой коммунал хизматларининг истеъмол нархлари индекси, %



2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан темир йўл транспортида йўловчи ташиш хизматлари 19,1 %, автомобиль транспортида 9,8 % ва ҳаво транспорти хизматлари нархи ўртача 1,5 % га қимматлашди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича йўловчи ташиш транспорти хизмати тарифлари индекси (ўтган ойга нисбатан, %)



Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг февраль ойида темир йўл орқали катнов нархининг сезиларли даражада қимматлашиши “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ўз ҳисоб-китобларида аввалги қайд этилган швейцария франки қийматидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий қиймати бўйича ҳисоблаш тартибига ўтилганлиги билан бевосита боғлиқ. Янги тартибга ўтишнинг оқибатларини юмшатиш мақсадида компания томонидан плацкарт қийматларини арзонлаштириш юзасидан ҳисоб-китобларда қатор пасайтирувчи коэффицентлар қўлланилган

2018/2019 ўқув йилидан Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ўқиш учун тўлов шартномалари миқдори энг кам ойлик иш ҳақи (ЭКОИХ) миқдоридан келиб чиқиб ҳисоблана бошланди. Республика бўйича кузатилаётган таълим йўналишлари бўйича тўлов-контрактлари миқдори ўртача 20,3 % га ошгани (ЭКОИХ жорий йилнинг 15 июлидан 7 % га кўтарилган) ой давомидаги инфляциянинг 0,2 ф.д. да ортишига олиб келди.

Бакалавриат бўйича минимал шартнома ЭКОИХнинг 45 баравари ёки 8,29 миллион сўмни ташкил этди (илгари 6,65 миллион сўмни ташкил этган). Бу тўловлар “гуманитар фанлар”, “педагогика”, “психология”, “социология” ва бошқа кўплаб йўналишларда қўлланилади.

Бакалавриат бўйича максимал шартнома қиймати ЭКОИХнинг 60 баравари ёки 11,58 миллион сўмни ташкил этиб, (илгари 9,85 миллион сўм), бу тўловлар “жаҳон сиёсати”, жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар” ва “ҳуқуқ” каби йўналишлар учун қўлланилади.

Кузатувдаги бошқа тур хизматлардан қолганларига нисбатан спорт (12,8 %) ва дам олиш хизматлари нархлари (18,2 %) бирмунча юқорироқ суръатларда ошганлиги қайд этилган.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида 16,0 % га ошиб, ўртача ойлик ўсиш суръати 1,7 % ни ташкил этди.

Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлар индекси, %

	ўтган ойга нисбатан			2018 йил сентябрь 2017 йил декабрь ойига нисбатан
	июль	август	сентябрь	
Саноат фаолияти	99,6	101,0	103,3	116,0
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	100,0	100,1	100,0	105,0
Кўмир ва лингит қазиб олиш	100,0	100,0	100,0	179,7

	ўтган ойга нисбатан			2018 йил сентябрь 2017 йил декабрь ойига нисбатан
	июль	август	сентябрь	
Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	100,0	100,0	100,0	100,1
Темир рудасини қазиб олиш	100,0	100,0	100,0	100,0
Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	100,1	101,0	100,3	120,3
Ишлаб чиқариш саноати	100,1	101,0	104,1	115,5
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	99,5	99,5	114,9	118,4
Ичимликлар ишлаб чиқариш	101,8	101,2	100,2	113,3
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,0	100,4	100,4	111,3
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,0	100,3	101,6	108,0
Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш	103,7	102,1	103,2	126,8
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	98,4	100,9	100,6	128,9
Металлургия саноати	97,8	99,5	96,6	97,6
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	100,1	100,1	100,1	136,5
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	100,0	99,4	99,0	104,2

	ўтган ойга нисбатан			2018 йил сентябрь 2017 йил декабрь ойига нисбатан
	июль	август	сентябрь	

Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	99,2	103,8	99,9	113,6
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	95,7	101,1	100,1	128,4
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	100,0	100,0	100,0	118,2

Қуйидаги маълумотларда акс этганидек, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолияти соҳасидаги умумий нархларнинг ошиши жорий йилнинг июнь ойида кўмир ва лингит казиб олиш нархларининг сезиларли даражада кўтарилганлиги билан бевосита боғлиқ.


2018 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарувчиларнинг тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолияти нархлари индекси, %



Ушбу фаолият турига мансуб бошқа турдаги маҳсулот, яъни каолин жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида 1,6 баробар, оҳактош 34,1 %, табиий қум 29,5 % га, майдаланган тош 18,9 %, ёдгорликлар, пардозлаш ёки қурилиш ишлари учун гранит, қумтош ва бошқа тошлар 18,0 % ва гравий нархлари 7,3 % га ошди.

2018 йилнинг январидан сентябрь ойига қадар ишлаб чиқарувчиларнинг қайта ишлаш саноати маҳсулотлари нархлари барқарор ўсиш тенденцияси билан тавсифланади.

2018 йил январь-сентябрь ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, %



Ишлаб чиқариш саноатидаги нархларнинг максимал даражада кўтарилганлиги сентябрь ойида (4,1 %), минимал ўсиш суръати эса июль ойида (0,1 %) қайд этилган бўлиб, ушбу фаолият тури билан шуғулланувчи корхоналар маҳсулотлари нархлари январь-сентябрь давомида ойлик ўртача ўсиш суръати 1,6 % ни ташкил этган.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида нархлар ошиши борасида биринчи учликни (I ярим йилликдаги каби) автотранспорт воситалари учун бошқа бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш (машина ва ускуналардан ташқари) ва бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолияти банд этган.

**2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб
чиқарувчилар нархлари индекси**
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)




Нархлар динамикаси таҳлилига кўра, бошқа турдаги транспорт ускуналари ишлаб чиқаришдаги нархларнинг асосий кўтарилиш даври жорий йилнинг февраль (1,6 бараварга) ва март ойларига (18,4 %) тўғри келади.

Жорий йилнинг III-чораги давомида тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш соҳасидаги нархлар ойига ўртача 0,1 % дан ошиб борди. Йил бошидан ишлаб чиқарувчиларнинг қурилиш металлоконструкциялари ва буюмлари нархи ўртача 32,0 %, ошхона анжомлари, металл қўл асбоблари ва умумфойдаланиш металл буюмлари 14,3 % га қимматлашди.

Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини 28,9 % га, жумладан, оҳак 2,1 баравар, ғишт 1,8 баравар, гипс 54,2 %, йўл қопламалари учун асфальтли аралашмалар 39,4 %, листланган шиша 38,0 %, ковак шиша буюмлар 35,1 %, цемент 22,8 %, гипс, цемент ва бетон маҳсулотлари нархларини ўртача 15,9 %га оширдилар. Шу билан бир қаторда автомобиль ойналари ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари нархларини 11,1 % ва тошни кесиш, ишлов бериш ва пардозлаш бўйича нархларни ўртача 14,8 % га пасайтирдилар.

Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ушбу гуруҳ маҳсулотларининг ўртача нархлар даражасидан сезиларли даражада сирка кислотаси, формальдегид и метанол (2 баробардан зиёдрок) нархлари қимматлашиб, бу кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши билан бевосита боғлиқ. Кимёвий маҳсулотларнинг асосий турлари бўйича 2018 йил январь-сентябрь ойларидаги нархларнинг ўзгариши куйидаги кўринишда намоён этилган:

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида алоҳида турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)




Озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кўтарилишидаги энг юқори кўрсаткичи жорий йилнинг сентябрь ойида қайд этилди. Ой давомида нархларнинг кўтарилиши ўртача 14,9 %, 2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан эса 18,4 % ни ташкил этди. Тегирмон-ёрма саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги нархлар 47,8 % га,

жумладан, республикада I навли буғдой унидан ишлаб чиқарилаётган қолипли нон маҳсулотлари (77,2 %), юмшоқ ва тўла етилмаган буғдой уни (48,1 %), гуруч (52,1 %), макарон маҳсулотлари ва шунга ўхшаш унли маҳсулотлар (20,1 %), шунингдек, йирик шохли моллар учун озуқа нархлари (35,9 %) кўтарилганлиги жорий йилнинг январь-сентябрь ойларидаги нархлар кўтарилишининг асосий омили сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, 2017 йил охирига нисбатан сутли (21,0 %) ва колбаса маҳсулотлари (2,8 %) нархлари ҳам қимматлашди.

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида гилам ва гилам маҳсулотлари 41,2% га, бошқа турдаги техник ва тўқимачилик саноати буюмлари нархлари ўртача 25,9% га ошганлиги қайд этилган. Бундан ташқари, пахта ва ипак толаларини қайта ишловчи корхоналар ўз маҳсулотлари нархларини мос равишда 6,1 % ва 8,3 % га оширдилар. Тўқимачилик пахтаси ишлаб чиқариш соҳасида эса аксинча, нархлар 11,5 % га арзонлашди.

Январь-сентябрь ойлари давомида автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш соҳасидаги нарх ўзгаришлари динамикаси бир маромда бўлмади. Нархлардаги асосий кўтарилишлар февраль (2,6 %), март (4,7 %), апрель (2,1 %) ва август (3,8 %) ойлари давомида қайд этилган. Июль ва сентябрь ойларида эса умумий нархлар мос равишда 0,8 % ҳамда 0,1 % га арзонлашди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида автотранспорт воситалари, трейлер ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш нархлари индекси динамикаси, %



Умумий ҳисобда, жорий йилнинг 9 ойи давомида прицеп ва яримприцеплар 56,9 %, автотранспорт воситалари учун бутловчи қисмлар ва аксессуарлар 39,0 %, шунингдек, хавфсизлик камари, хавфсизлик ёстикчаси ва автомобиль корпусига тегишли бошқа қисмлар 1,7 бараварга, автомобиль ўриндиклари 1,6 бараварга ва автотранспортнинг бошқа қисмлари нархлари 21,1 % га қимматлашди. Ишлаб чиқарувчиларнинг моторли транспорт воситалари нархлари эса ўртача 7,6 % га кўтарилди.

Нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари нархи 2018 йилнинг июнь ойида бирмунча сезиларли даражада қимматлашиб, ишлаб чиқарувчилар нархи ўртача 3,9 % га ошди. Умумий ҳисобда 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарувчилар керосин нарҳини ўртача 5,1 баравар, авиация бензинини 3,1 баравар, печ (маиший) ёқилғи нарҳларини 2,0 баравар, ёғлаш учун ишлатиладиган нефт мойларини 1,5 баравар, нефт битумини 1,4 бараварга оширдилар. Нархларни либераллаштириш ва монополияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилиши ва унда давлат томонидан нархлари тартибга солинувчи товарлар рўйхатидан айрим товарларнинг яқарилиши нархлар кўтарилишининг асосий омилдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги “Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини такомиллаштириш, суиистеъмолчиликлар ва талон-тароғликлар шароитини тугатиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3386-сон қарори асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 мартдаги “Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 249-сон Қарорининг қайта кўриб чиқилиши, шунингдек, монопол маҳсулотларнинг рўйхатини ва турларини кескин қисқартириш, монополияга қарши курашишни тартибга солишининг халқаро принципларига ўтишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорида кўзда тутилган нарх (тариф)лари давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли товарлар (хизматлар) ва уларнинг стратегик турлари рўйхатидан ташқари (бирламчи рўйхат бўйича 21 номдаги) маҳсулот (хизмат)лар нарҳларини белгилашда (декларациялаш, тасдиқлаш, нархлар (тарифлар)ни ўрнатиш борасидаги чекловлар, коэффициентлар назорати, устама ҳақ ва рентабеллик даражасини ҳамда нархларни назорат қилишининг бошқа усуллари) давлат томондан назорат қилинмаслиги қайд этиб ўтилган.

Бошқа турдаги ишлаб чиқариш саноати маҳсулотлари нарҳларининг ўзгариши куйидаги кўринишда акс этган:

Бошқа турдаги ишлаб чиқариш саноати маҳсулотлари нарҳларининг ўзгариши, %


	ўтган ойга нисбатан			2018 йил сентябрь 2017 йил декабр ойига нисбатан
	июль	август	сентябрь	
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	100,0	102,0	99,5	108,2

	ўтган ойга нисбатан			2018 йил сентябрь 2017 йил декабрь ойига нисбатан
	июль	август	сентябрь	
Кийим ишлаб чиқариш	99,7	100,0	100,2	100,5
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,0	105,1	99,0	103,8
Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	100,0	100,0	100,0	104,2
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	103,2	102,1	105,0	114,0
Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,0	100,0	100,0	103,8
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	100,0	101,4	100,1	104,3

Чарм ва унга боғлиқ бўлган маҳсулотлар нархлари январь-сентябрь ойлари давомида ўртача 36,7 % га кўтарилиб, компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ҳамда бошқа турдаги тайёр маҳсулотлар нархлари 2017 йилнинг декабрь ойидаги нархлар даражасидан ошмаган.

Иссиқлик ҳамда электр энергия тарифларининг мос равишда 43,0 % ва 33,5 %, кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида ҳосил бўлган газ нархи 58,7 % га ошиши ва газ билан таъминлаш тизими орқали газсимон ёқилғини тақсимлаш хизматлари нархларининг 33,7 % га пасайиши натижасида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш нархларининг умумий индекси шаклланди.

2018 йил январь-сентябрь ойларида сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш соҳасидаги ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, %



Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш йўналишидаги нархлар 2018 йил бошидан ўртача 18,2 % га ошди ва III чорак якунига кўра бу соҳадаги нархларда жиддий ўзгаришлар кузатилмади.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида оқова сувларга ишлов бериш, транспортировка қилиш ва йўқотиш 27,6 %, сувни йиғиш, қайта ишлаш ва таксимлаш 17,0 % ҳамда таркибида алюминий бўлган иккиламчи хом ашё маҳсулотлари 19,8 % га қимматлашди.